

**Асосий иқтисодий ва ижтимоий
кўрсаткичлар**

	млрд. сўм	2009 йил январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	61831,2	108,5
Саноат маҳсулоти	33580,5	108,3
Истеъмол товарлари	11262,8	112,0
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	15810,7	106,8
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	15409,1	109,2
Қурилиш ишлари	8174,6	108,1
Юк айланмаси, млрд.тн–км	75,8	100,0
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи–км	77,2	109,0
Чакана товар айланмаси	21448,9	114,7
Пуллик хизматлар	7919,8	113,4
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ. долл.	21844,2	103,0
Экспорт	13044,5	110,8
Импорт	8799,7	93,2

Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2010 йилнинг январ–декабрида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми 61831,2 млрд. сўмни ташкил қилди. Шу қаторда, ҳисобот даврида ЯИМ реал ҳажмини юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолди ва бу кўрсаткич 8,5 фоизга тенг бўлди, 2009 йилнинг январ–декабрида 8,1 фоиз.


Ўзбекистон иқтисодиётининг сўнги 10 йилдаги ўсиш динамикаси шуни кўрсатмоқдаки, 2000 йилга нисбатан таққослаганда, республикамиз ялпи ички маҳсулоти қарийб 2 баробарга, аҳоли жон бошига эса 1,7 баробарга ошди.

ЯИМнинг тармоқлар таркиби динамикасида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Агар 2000 йилда мамалакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг улуши 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 23,9 фоизни ташкил этди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 81,7 фоизи (2009 йилнинг январ–декабрида 81,3 фоизи) иқтисодиётнинг нодавлат секторида, 18,3 фоизи (18,7 фоизи) давлат секторида ишлаб чиқарилди.

Январ–декабрда ЯИМнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:


яқунга нисбатан фоиз ҳисобида



- Давлат мулки
- Нодавлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Фермер ва деҳқон хўжаликлари мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Кўшма корхоналар мулки
- Бошқа нодавлат мулкчилик шакллари

ЯИМ ишлаб чиқаришнинг таркиби қуйидагича ифодаланади:

яқунга нисбатан фоиз ҳисобида



Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг ЯИМдаги улуши 52,5 фоизни ташкил этди, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг январ-декабр ойига нисбатан 2,4 фоизга кўпдир. Шу жумладан, ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 32,7 фоизи кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди (2009 йилнинг январ-декабрида – 31,2 фоизи).

Ҳудудлар бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот реал ҳажмининг сезиларли ўсиши Самарқанд (113,6 фоиз), Наманган (112,4 фоиз), Сурхондарё (111,2 фоиз) Андижон (110,5 фоиз) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (112,4 фоиз) кузатилди.


Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 507,3 мингга етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 472,8 мингтани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 93,2 фоизини) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 92,2 фоизини но-
давлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 51,6 фоизини фермер ва
деҳқон хўжаликлари, 21,2 фоизини хусусий корхоналар, 0,9 фоизини
чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизини акциядорлик
жамиятлари, 18,3 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидаги корхона-
лар ташкил этади.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик
шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

**1 январ ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида**



- Давлат мулки
- Хусусий корхоналар мулки
- Фермер ва деҳқон хўжаликлари
- Акциядорлик жамиятлари
- Чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар
- Бошқа мулкчилик шакллари

Рўйхатга олинган (фермер хўжаликларисиз) корхона ва ташки-
лотларнинг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (жами рўйхат-
га олинган юридик шахсларнинг 26,9 фоизи), қишлоқ хўжалиги (20,1
фоизи), саноат (12,5 фоизи) ва қурилиш (7,9 фоизи) соҳаларига тўғри
келади.

2011 йилнинг 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият
кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар (фермер хўжаликларисиз)
иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	283,4	100,0	251,8	100,0
шу жумладан:				

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда
саноат	35,5	12,5	29,9	11,9
қурилиш	22,4	7,9	18,4	7,3
қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	57,1	20,1	54,4	21,6
транспорт ва алоқа	9,6	3,4	8,5	3,4
моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари	16,6	5,9	14,6	5,8
савдо ва умумий овқатланиш	76,3	26,9	63,0	25,0
аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	3,9	1,4	3,4	1,3
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	10,4	3,7	9,9	3,9
таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	21,6	7,6	21,1	8,4
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	30,0	10,6	28,6	11,4

2010 йилнинг январ–декабрида жами 42,7 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича руйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 16,6 фоизи), Қашқадарё (11,0 фоизи), Фарғона (9,1 фоизи), Тошкент (8,0 фоиз) ва Самарқанд (7,2 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича янги ташкил топган корхоналарнинг 27,0 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 25,5 фоизи қишлоқ хўжалиги, 16,6 фоизи саноат соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 35,0 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 4751таси ихтиёрий равишда тугатилган.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича фаолияти тугатилган корхоналарнинг 48,7 фоизи қишлоқ хўжалиги, 22,6 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 9,4 фоизи саноат соҳасига тўғри келган.

2010 йилнинг январ–декабрида ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Кичик тадбиркорлик (бизнес)

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

ялпи ички маҳсулотнинг 52,5 фоизи (2009 йилнинг январ–декабрида 50,1 фоизи) ишлаб чиқарилди;

8639,3 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 74,3 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 6666,5 минг нафари индивидуал сектор, 1972,8 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6568,8 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 19,6 фоизи) ташкил қилди ва 2009 йилнинг январ–декабрига нисбатан 126,4 фоизга ўсди;

4745,8 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 30,8 фоизи) ўзлаштирилди, ва 2009 йилнинг январ–декабрига нисбатан 145,3 фоизни ташкил қилди;

4278,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 52,3 фоизи) бажарилди ва 2009 йилнинг январ–декабрига нисбатан 137,0 фоизни ташкил қилди;

автомобил транспортида юк айланмаси 9,6 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 75,8 фоизи), йўловчи айланмаси 9,5 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 83,8 фоизи) кўпайиши таъминланди;

чакана савдо айланмаси умумий ҳажмининг 50,5 фоизи ёки 10820,9 млрд.сўми (ўсиш 25,0 фоизга) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 47,7 фоизи ёки 3776,3 млрд. сўми (ўсиш 13,7 фоизга) шакллантирилди;

1774,3 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 13,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди (2009 йилнинг январ–декабрига нисбатан 102,9 фоиз), 3223,7 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 36,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар импорт қилинди (2009 йилнинг январ–декабрига нисбатан 80,4 фоиз).


2010 йилнинг январ–декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	6568,8	33,2
Қишлоқ хўжалиги	15478,7	100,0
Қурилиш	4278,5	71,6
Чакана савдо	10820,9	73,8
Пуллик хизматлар	3776,3	91,7
Юк ташиш, млн.тн	424,9	79,0
Йўловчи ташиш, млн.киши	4683,5	92,9
Экспорт, млн. АҚШ долл.	1774,3	5,2
Импорт, млн. АҚШ долл.	3223,7	16,8

Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 7995,0 минг кишини ва жами соҳада банд бўлганларнинг 92,5 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича яратилган маҳсулот ҳажмидаги (ишлар, хизматлар) кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг маълумотларига кўра, ҳисобот даврида 96 та корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштирилган объектлар умумий сонининг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича хусусийлаштирилган объектларнинг 37,5 фоизи), Хоразм (9,4 фоизи), Тошкент ва Сурхондарё (8,3 фоиздан), Қашқадарё (7,3 фоизи) Андижон, Наманган ва Фарғона (6,3 фоиздан) вилоятларига тўғри келди.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улушни маҳаллий ҳокимиятлар (53,1 фоиз), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (14,6 фоиз), «Ўзбекенгилсаноат» ДАК (6,2 фоиз), Халқ таълими вазирлиги (4,2 фоиз), бошқа вазирлик ва идоралар (18,8 фоиз) объектлари ташкил қилади.

2010 йилнинг январ-декабрида хусусийлаштирилган объектлар таркиби қуйидагича ифодаланади:

хусусийлаштирилган объектлар сони, бирлик	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
---	-------------------------------

	хусусийлаштирилган объектлар сони, бирлик	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	96	100,0
шу жумладан:		
Ҳокимиятлар	51	53,1
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	14	14,6
Халқ таълими вазирлиги	4	4,2
«Ўзбекенгилсаноат» ДАК	6	6,2
«Ўзбекнефтгаз» МХК	3	3,1
Бошқа вазирлик ва идоралар	18	18,8

2010 йилнинг январ–декабрида хусусийлаштириш ва давлат та–сарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағлари 23,0 млрд. сўмни ташкил қилди.

Пул маблағларининг асосий қисми Тошкент шаҳри (хусусийлаш–тиришдан олинган барча пул маблағларининг 42,9 фоизи), Тошкент (20,0 фоиз), Фарғона (9,5 фоиз), Наманган (8,0 фоиз), Бухоро (5,6 фо–из) ва Қашқадарё (3,3 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Ташқи иқтисодий алоқалар

2010 йилнинг январ–декабрида ташқи савдо айланмаси 21844,2 млн. АҚШ долларини, жумладан МДҲ давлатлари билан 9424,6 млн. АҚШ долларини, бошқа мамлакатлар билан 12419,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Ташқи савдо айланмаси умумий ҳажмининг 13044,5 млн. АҚШ долларини экспорт операциялари, 8799,7 млн. АҚШ долларини импорт операциялари ташкил этди.

Импортни экспорт билан қоплаш даражаси 148,2 фоизни (ўтган йилнинг январ–декабрида 124,7 фоизни) ташкил қилди.


Ижобий ташқи савдо сальдоси 4244,8 млн. АҚШ долларини, шу жумладан МДҲ давлатлари билан 2372,8 млн. АҚШ доллари, бошқа давлатлар билан 1872,0 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2010 йилнинг январ–декабрида республика ташқи савдо айланма–си қуйидагича ифодаланади:

	млн. АҚШ доллари	2009й. январ– декабрига нис– батан фоиз ҳисобида
Ташқи савдо айланмаси	21844,2	103,0
МДҲ мамлакатлари	9424,6	117,7
бошқа давлатлар	12419,6	94,1
Экспорт	13044,5	110,8
МДҲ мамлакатлари	5898,7	150,4
бошқа давлатлар	7145,8	91,0
Импорт	8799,7	93,2
МДҲ мамлакатлари	3525,9	86,2
бошқа давлатлар	5273,8	98,6
Сальдо	4244,8	х
МДҲ мамлакатлари	2372,8	х
бошқа давлатлар	1872,0	х

Январ–декабрда ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

фоизда




**Экспорт ва импорт ҳажми ва таркибининг
ўзгариш динамикаси**

	таркиби, % ҳисобида	
	2010й. январ–декабр	2009й. январ–декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт	100,0	110,8
пахта толаси	11,3	146,0
озиқ–овқат маҳсулотлари	9,7	177,1
улардан истеъмол маҳсулотлари	9,0	177,3
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	5,1	112,9
энергия манбалари ва нефт маҳ– сулотлари	24,8	80,2
қора ва рангли металллар	6,8	152,7
машина ва ускуналар	5,5	2,1м
хизматлар	9,1	114,7
бошқалар	27,7	103,9
Импорт	100,0	93,2
озиқ–овқат маҳсулотлари	10,9	113,2
шундан ишлаб чиқаришга мўлжалланган истеъмол маҳсулотлари	5,9	113,9
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	14,3	120,3
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	6,0	161,0
қора ва рангли металллар	8,4	123,7
машина ва ускуналар	44,1	72,7
хизматлар	4,7	101,7
бошқалар	11,6	116,8

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2010 йилнинг январ-декабрида республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:


	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2009 январ-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Россия	29,2	143,4
Хитой	9,5	101,7
Қозоғистон	8,3	138,3
Корея Республикаси	7,4	131,4
Туркия	4,4	142,4
Афғонистон	3,0	94,3
Эрон	3,0	111,0
Украина	2,5	36,2
Германия	2,2	103,6
Буюк Британия	1,0	131,6
Туркманистон	0,9	105,6
Франция	0,8	92,0
АҚШ	0,8	49,4

	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2009 январ– декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Сингапур	0,8	197,1
Ҳиндистон	0,7	121,1
Қирғизистон	0,7	92,7
Италия	0,7	92,8
БАА	0,7	111,3
Швейцария	0,6	7,7
Беларусь	0,6	87,4
Япония	0,6	88,1
Тожикистон	0,6	82,0
Латвия	0,6	82,1
Австрия	0,4	77,7
Нидерландия	0,3	123,3
Бельгия	0,3	114,4
Озарбайжон	0,2	102,4


2010 йилнинг январ–декабрида МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

Экспорт

МДҲ




Бошқа давлатлар




Импорт

МДҲ



Бошқа давлатлар



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Энергия манбалари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

Саноат

2010 йилнинг январ–декабрида саноат маҳсулоти ҳажми 33580,5 млрд. сўмни ёки 2009 йилнинг январ–декабрига нисбатан 108,3 фоизни ташкил этди.



Ҳисобот даврида 11262,8 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2009 йилнинг январ–декабрига нисбатан ўсиш суръати 112,0 фоизни ташкил этди. Жумладан, 4710,9 млрд. сўмлик озиқ–овқат маҳсулотлари ва 6551,9 млрд. сўмлик ноозиқ–овқат моллари (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 108,2 фоиз ва 114,9 фоиз) ишлаб чиқарилди.

2010 йилнинг январ–декабрида саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2009 йил январ–декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	33580,5	108,3
шу жумладан:		
электроэнергетика	2822,3	104,5
ёқилғи саноати	6440,1	103,5
қора металлургия	823,0	105,8
рангли металлургия	3783,9	99,1
кимё ва нефт–кимё саноати	1702,1	115,4
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	5432,6	111,6
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз саноати	360,6	107,0
қурилиш материаллари саноати	1674,8	108,7
енгил саноат	4489,1	117,3
озиқ–овқат саноати	4231,9	113,1
Истеъмол товарлари	11262,8	112,0
шу жумладан:		
озиқ–овқат маҳсулотлари	4710,9	108,2
ноозиқ–овқат маҳсулотлари	6551,9	114,9

Январ–декабрда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



- Электроэнергетика
- Ўқилғи саноати
- Қора металлургия
- Рангли металлургия
- Кимё ва нефт-кимё саноати
- Машинасозлик ва метални қайта ишлаш
- Ўғочни қайта ишлаш
ва целлюлоза-қоғоз саноати
- Қурилиш материаллари саноати
- Енгил саноат
- Озиқ-овқат саноати
- Бошқа тармоқлар

Саноат тармоғи бўйича асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)

	2010 йил январ-декабр	2009 йил январ- декабрга нис- батан фоиз ҳисобида
Ўқилғи –энергетика саноати		
Электроэнергия, млрд. кВт. соат	51,7	103,5
Иссиқлик энергияси, млн. Гкал	18,2	98,4
Нефт ва газ конденсати, млн. тн	3,7	82,2
Бензин, минг тн	1443,6	89,1

	2010 йил январ–декабр	2009 йил январ– декабрга нис- батан фоиз ҳисобида
Дизел ёқилғиси, минг тн	1125,1	86,4
Керосин, минг тн	372,8	87,5
Мотор мойлари, минг тн	61,9	98,3
Суюқлантирилган газ, минг тн	245,7	99,8
Табиий газ, млн. куб. м	60111,5	97,9
Қора металлургия		
Пўлат, минг тн	731,4	99,96
Тайёр прокат, минг тн	691,6	100,7
Пўлат қувурлар, минг тн	71,0	102,6
Листланган пўлат профиллари, минг тн	17,5	126,0
Кимё ва нефт–кимё саноати		
Сунъий аммиак, минг тн	1343,9	106,2
Минерал ўғитлар, минг тн	1134,6	105,7
Каустланган сода, минг тн	23,1	127,6
Ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари, тн	3384,0	82,1
Олтингугурт кислотаси, минг тн	1189,7	116,2
Кимёвий тола ва иплар, тн	15991,0	117,6
Калцийлаштирилган сода, минг тн	90,3	117,6
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати		
Енгил автомобиллар, минг дона	217,7	106,2
Юк автомобиллар, дона	832	115,2
Автобуслар, дона	1268	96,3
Автомобил эҳтиёт қисмлари, млрд.сўм	190,9	109,7
Тракторлар, дона	2539	92,8

	2010 йил январ–декабр	2009 йил январ– декабрга нис- батан фоиз ҳисобида
Трактор прицеплари, дона	2478	148,9
Музлатгичлар ва совутгичлар, дона	18893	120,5
Кучланиш кабеллари, км	19441,0	178,7
Радиочастотали кабел ва сим маҳсу- лотлари, км	1164,0	136,9
Алоқа тизимлари кабеллари, минг.км.	94,3	2,4м
Қурилиш материаллари саноати		
Цемент, минг тн	6871,7	100,3
Шифер, млн. шартли плитка	289,3	61,4
Юмшоқ том ёпгич материаллари ва изол, минг. кв. м.	9258,0	119,9
Деворбоп материаллар, млн. шартли ғишт доналари	63,8	127,3
Шиша ва фарфор–фаянс буюмлар ишлаб чиқариш саноати		
Дераза ойнаси (2 мм қалинликда ҳисоблаганда), минг кв. м	12599,4	122,7
Тобланган автомобил ойналари, минг кв. м	603,4	106,3
Енгил саноат		
Пахта толаси, минг тн	1125,4	107,5
Чигит, минг тн	1623,8	103,3
Ипак тола, тн	246,3	2,5м
Пахта ип калаваси, минг тн	185,8	119,6
Трикотаж маҳсулотлари, млн. дона	50,5	150,0
Трикотаж матоси, тн	21052,0	171,3
Чулки–пайпоқ маҳсулотлари, минг жуфт	154,0	175,2

	2010 йил январ–декабр	2009 йил январ– декабрга нис- батан фоиз ҳисобида
Ип газламалари, млн.кв.м.	83,6	99,3
Гилам ва гилам маҳсулотлари, минг кв.м	655,2	159,4
Озиқ–овқат саноати		
Мева–сабзавот консервалари, млн. шартли банкалар	124,6	124,7
Шакар, минг тн	286,1	104,0
Ўсимлик ёғи, минг тн	235,6	104,8
Макарон маҳсулотлари, минг тн	23,6	102,1
Маргарин маҳсулотлари, тн	11406,0	144,7
Ароқ ва ароқ–ликер маҳсулотлари, минг дал	9593,0	101,6
Вино, минг дал	2128,0	101,3
Пиво, млн. дал	25,0	121,1
Спиртсиз ичимликлар, млн.дал	21,7	118,1
Папирос ва сигаретлар, млн. дона	13949,0	109,4
Ун–ёрма ва омихта ем саноати		
Ун, минг тн	1217,3	95,8
Омихта ем, минг тн	891,2	114,4

Қишлоқ хўжалиги


2010 йилнинг январ–декабрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 15810,7 млрд. сўмни ёки 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 106,8 фоизни ташкил қилди. Жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 9390,7 млрд. сўмни (106,6 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 6420,0 млрд. сўмни (107,0 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқон хўжалиklarининг улуши 62,9 фоизни (2009 йилнинг январ–декабрида 63,3 фоизни), фермер хўжалиklarининг улуши 35,0

фоизни (34,5 фоизни), қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши 2,1 фоизни (2,2 фоизни) ташкил этди.

Январ–декабр ойларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Дехқончилик. 2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида дехқончиликнинг улуши 59,4 фоизни (2009 йилда 57,1 фоизни) ташкил этди.

Барча тоифадаги хўжаликларда 2010 йил ҳосили учун экилган қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3704,7 минг гектар (2009 йил ҳосили учун экилган майдондан 96,2 минг гектарга кўп) майдонни ташкил қилди.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 1677,0 минг гектарни ёки 2009 йилга нисбатан 104,1 фоизни, шу жумладан буғдой экин майдони 1466,3 минг гектарни (108,2 фоизни) ташкил қилди

Пахта экин майдони 1342,5 минг гектарни ёки 2009 йилга нисбатан 99,7 фоизни ташкил этди.

Картошка экин майдонлари 12,5 фоизга, сабзаёт экин майдони 4,6 фоизга, полиз экин майдони 8,7 фоизга, озуқа экинлари майдони 5,5 фоизга ўсди.

2010 йилда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 7447,1 минг тонна дон экинлари ишлаб чиқарилиб, шу жумладан 6952,0 минг тоннаси бошоқли дон, шундан 6730,4 минг тоннаси буғдойни ташкил этди.

Барча тоифадаги хўжаликларда асосий донли экинлар ишлаб

чиқаришнинг таркиби қуйидагича ифодаланади:

	2010й. январ–декабр	
	минг тонна	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Донли экинлар	7447,1	100,0
шу жумладан:		
бошоқли экинлар	6952,0	93,4
шундан:		
буғдой	6730,4	90,4
дон учун маккажўхори	231,6	3,1
шоли	207,4	2,8
бошқалар	56,1	0,7

Ҳисобот даврида 1692,9 минг тонна картошка (2009 йилга нисбатан 11,0 фоизга кўп), 6346,4 минг тонна сабзавот (11,2 фоизга), 1182,4 минг тонна полиз экинлари (10,4 фоизга), 1710,3 минг тонна мева ва резаворлар (10,8 фоизга) ва 987,3 минг тонна узум (9,7 фоизга камроқ) йиғиб олинди.

Чорвачилик. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 40,6 фоизни (2009 йилда 42,9 фоизни) ташкил этди.

2011 йилнинг 1 январ ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 582,9 минг бошга (6,8 фоизга) кўпайди ва 9093,7 минг бошни ташкил этди.

Сигирлар бош сони 228,0 минг бошга (6,4 фоизга), қўй ва эчкилар 902,2 минг бошга (6,2 фоизга), чўчқалар 3,5 минг бошга (3,6 фоизга), паррандалар 4707,5 минг бошга (14,3 фоизга) кўпайди.

Деҳқон хўжалиқларининг улушига йирик шохли қорамоллар умумий сонидан 93,4 фоизи, сигирларнинг 94,6 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 79,2 фоизи, чўчқаларнинг 76,6 фоизи, паррандаларнинг 59,8 фоизи, фермер хўжалиқларига эса йирик шохли қорамолларнинг 5,5 фоизи, сигирларнинг 4,6 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 7,5 фоизи, чўчқаларнинг 10,2 фоизи, паррандаларнинг 10,5 фоизи тўғри келади.

Барча тоифадаги хўжалиқларда 1461,4 минг тонна (тирик вазнда) гўшт (2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга кўп), 6169,0 минг тонна сут (6,7 фоизга кўп), 3058,8 млн. дона тухум (12,6 фоизга кўп), 26,5 минг тонна жун (6,1 фоизга кўп), 934,9 минг дона қоракўл тери (4,1 фоизга кўп), 25,2 минг тонна пилла (4,9 фоизга кўп) етиштирилди.

Хўжалик тоифалари бўйича чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	2010й. январ–декабр	2009 йил январ–декабрга нисбатан фоизда
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	1461,4	106,8
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	37,8	106,8
деҳқон хўжаликлари	1389,2	106,9
қишлоқ хўжалик корхонала– ри	34,4	106,6
Сут, минг тн.	6169,0	106,7
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	205,0	116,1
деҳқон хўжаликлари	5927,8	106,4
қишлоқ хўжалик корхонала– ри	36,2	124,8
Тухум, млн. дона	3058,8	112,6
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	288,1	137,2
деҳқон хўжаликлари	1775,5	108,9
қишлоқ хўжалик корхонала– ри	995,2	113,6
Жун, тн.	26510	106,1
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	1715	119,2
деҳқон хўжаликлари	21951	106,3
қишлоқ хўжалик корхонала– ри	2844	98,2
Қоракўл тери, минг дона	934,9	104,1
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	44,1	104,2
деҳқон хўжаликлари	632,1	108,1
қишлоқ хўжалик корхонала– ри	258,7	95,6
Пилла, минг тн.	25,2	104,9

Деҳқон хўжалиklarининг улуши гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 95,1 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 96,1 фоизни, тухум ишлаб

чиқаришда 58,0 фоизни, жун ишлаб чиқаришда 82,8 фоизни, қоракўл териси ишлаб чиқаришда 67,6 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликлари. 2010 йилнинг январ–декабрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 5528,9 млрд.сўмни ёки 2009 йилнинг январ–декабрига нисбатан 105,5 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти умумий ҳажмида фермер хўжалиklarининг улуши 35,0 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжалиklarига бириктирилган умумий ер майдони 5826,8 минг гектарни ташкил қилди.

2011 йилнинг 1 январ ҳолатига фермер хўжалиklarида йирик шохли қорамоллар 501,7 минг бошни, шу жумладан сигирлар 172,6 минг бошни, қўй ва эчкилар 1149,9 минг бошни, паррандалар 3958,6 минг бошни ташкил қилди.

2010 йилнинг 1 январига нисбатан фермер хўжалиklarида йирик шохли қорамоллар 5,1 минг бошга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,0 фоизга), шу жумладан сигирлар 4,0 минг бошга (2,4 фоизга), қўй ва эчкилар 52,2 минг бошга (4,8 фоизга), паррандалар 483,3 минг бошга (13,9 фоизга) кўпайди.

2010 йилда дон ишлаб чиқаришда фермер хўжалиklarининг улуши 81,5 фоизни (2009 йилда – 81,4 фоиз), пахта етиштиришда 99,4 фоизни (99,2 фоиз), картошка етиштиришда 19,9 фоизни (18,1 фоиз), сабзаёт етиштиришда 34,9 фоизни (35,0 фоиз), полиз экинларини етиштиришда 50,4 фоизни (50,1 фоиз), мева етиштиришда 47,7 фоизни (47,7 фоиз), узум етиштиришда 56,4 фоизни (55,2 фоиз) ташкил қилди.

2010 йилнинг январ–декабрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	ўсиш суръати, фоизда
Донли экинлар	6067,8	81,5	100,9
Пахта	3422,2	99,4	101,4
Картошка	336,3	19,9	121,9
Сабзаётлар	2215,7	34,9	110,9
Полиз экинлари	595,9	50,4	111,1
Мевалар	816,4	47,7	110,8
Узум	556,6	56,4	112,2
Гўшт	37,9	2,6	106,8
Сут	205,0	3,3	116,1

	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	ўсиш суръати, фоизда
Тухум, млн. дона	288,1	9,4	137,2
Жун, тонна	1715,0	6,5	119,2
Қоракўл, минг дона	44,1	4,7	104,2
Пилла, тонна	24629,7	97,9	106,0

Пиллачилик. 2010 йилда 25151,8 тонна пилла хом ашёси тайёрланган бўлиб (2009 йилга нисбатан 104,9 фоиз), шундан 0,5 тоннаси супер элита нави, 10,2 тоннаси элита нави, 222,6 тоннаси уруғлик, 9454,5 тоннаси биринчи нав, 6870,0 тоннаси иккинчи нав, 941,1 тоннаси ностандарт, 5279,2 тоннаси навсиз, 2373,7 тоннаси қорапачоқдир.

Инвестициялар ва қурилиш

2010 йилнинг январ–декабрида республикада асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг АҚШ долларларидаги эквивалент ҳажми 9,7 миллиард долларни ёки 2009 йилнинг январ–декабрига нисбатан 113,6 фоизни ташкил қилди.

2010 йилнинг январ–декабрида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий миқдори миллий валютада 15409,1 млрд.сўмга тенг бўлди.

2010 йилнинг январ–декабрида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами инвести	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича

	циялар, млрд. сўм	Бюджет маблағ- лари ¹	кор- хоналар ва аҳоли маб- лағлари	чет эл инвес- тиция- лари ва кредит- лари	банк кредит- лари ва бошқа қарз маб- лағлари	бюд- жетдан ташқари фондлар маб- лағлари ²
Жами	15409,1	7,8	47,3	28,8	9,1	7,0
шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича:						
давлат	3604,1	32,7	34,0	12,4	1,7	19,2
нодавлат	11805,0	0,2	51,4	33,8	11,3	3,3

Иқтисодиёт тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидаги кўринишда:

	2010й. январ-декабр	
	млрд. сўм	умумий ҳажмга нис- баган фоизда
Жами	15409,1	100,0
Ишлаб чиқариш тармоқлари	11027,6	71,6
саноат	4399,3	28,6
шу жумладан:		
ёқилғи-энергетика саноати	1728,4	11,2
металлургия	782,0	5,1
кимё ва нефт-кимё саноати	199,4	1,3
машинасозлик	473,5	3,1
енгил саноат	427,0	2,8

¹ Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағларини қўшган ҳолда

² Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини қўшган ҳолда

**2010й.
январ–декабр**


	млрд. сўм	умумий ҳажмга нис- батан фоизда
озиқ–овқат саноати	262,5	1,7
қурилиш материаллари саноати	332,5	2,1
қишлоқ хўжалиги	473,7	3,1
қурилиш	313,5	2,0
транспорт ва алоқа	4502,4	29,2
савдо	714,8	4,7
геология ва ер ости бойликларини излаш	419,6	2,7
бошқалар	204,3	1,3
Ноишлаб чиқариш тармоқлари	4381,5	28,4
уй–жой қурилиш	2260,2	14,7
коммунал хўжалик	298,7	1,9
соғлиқни сақлаш	322,3	2,1
таълим	408,2	2,6
маданият ва санъат	105,8	0,7
бошқалар	986,3	6,4

Асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 11027,6 млрд. сўми ёки 71,6 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига, 4381,5 млрд.сўми ёки 28,4 фоизи эса ноишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди.


Январ–декабрда иқтисодиёт тармоқлари бўйича чет эл инвестиция ва кредитларини ўзлаштириш қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда

2009й.
январ-декабр



2010й.
январ-декабр



- Ёқилғи-энергетика
- Машинасозлик
- Енгил саноат
- Қурилиш материаллари саноати
- Озиқ-овқат саноати
- Транспорт ва алоқа
- Геология ва фойдали қазилмаларни излаш
- Коммунал хўжалик
- Бошқа тармоқлар

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг 2260,2 млрд.сўми уй-жой қурилиши соҳасида ўзлаштирилди, ёки умумий ҳажмга нисбатан 51,6 фоизни ташкил этди.

2010 йилнинг январ-декабрида умумий майдони 8838,1 минг кв. м. бўлган 75,4 мингта уй-жой (2009 йил январ-декабрига нисбатан 116,1 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 6689,3 минг кв.м. (131,4 фоиз) уй-жой қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-1167 – сонли қарорига мувофиқ 2010 йил январ-декабр ойларида қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 904,5 минг кв.м. га тенг 7,6 мингта уйлар қуриб фойдаланишга топширилди, уларнинг қурилишида 448,2 млрд.сўмлик инвестициялар, жумладан Қишлоқ қурилиш банк кредитлари ҳисобидан 272,0 млрд.сўм (умумий ҳажмга нисбатан 60,7 фоизда) ўзлаштирилди.

Ноишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажмидан таълим объектларининг қурилишига 408,2 млрд. сўм

(умумий ҳажмга нисбатан 9,3 фоиз), соғлиқни сақлаш объектларининг қурилишига 322,3 млрд. сўм (7,4 фоиз), коммунал қурилишга 298,7 млрд. сўм (6,8 фоиз) сарфланди.

Академик–лицейлар ва касб–ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 197,1 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 4,5 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 48,3 фоизини ташкил қилди.

Касалхоналар ва поликлиникаларни янги қуришга ва капитал қайта таъмирлашга 69,9 млрд. сўмлик, бошқа соғлиқни сақлаш объектларига 16,1 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса соғлиқни сақлаш соҳасига сарфланган инвестицияларнинг мос равишда 21,7 ва 5,0 фоизини ташкил қилди.



Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 88,7 млрд. сўм, шундан бюджет маблағлари ҳисобига 37,8 млрд. сўм (умумий ҳажмдан 42,6 фоизи), чет эл инвестицияси ва кредитлари ҳисобига 22,2 млрд. сўм (25,1 фоизи), аҳоли маблағлари ҳисобига 12,7 млрд. сўм (14,3 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 11,6 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобига 11,3 млрд. сўм (98,0 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2010 йилнинг январ–декабрида 8174,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 108,1 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 83,1 фоизи янги қурилиш, корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 15,0 фоизи капитал, жорий таъмирлашга ва 1,9 фоизи бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарилган қурилиш ишлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Кўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

Транспорт

Юк ташиш. 2010 йилнинг январ-декабрида барча транспорт турлари томонидан 1173,2 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2009 йилнинг январ-декабрига нисбатан 109,9 фоизни ташкил қилди. Юк айланмаси

ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўзгармай қолди ва 75,8 млрд.тн-км.ни ташкил қилди.


Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2010 йил январ-декабр	2009 йил январ-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	1173,2	109,9
темир йўл транспортида	56,9	103,9
автомобил транспортида	1062,6	110,8
ҳаво транспортида, минг тн	29,4	184,9

	2010 йил январ–декабр	2009 йил январ–декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
қувур йўллари орқали	53,7	101,3
Юк айланмаси, млрд. тн–км	75,8	100,0
темир йўл транспортида	22,2	100,2
автомобил транспортида	24,5	105,7
ҳаво транспортида, млн. тн– км	168,0	163,3
қувур йўллари орқали	28,9	95,2

Январ–декабрда транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

юк ташишнинг умумий ҳажмига
нисбатан фоиз ҳисобида



2010 йил январ–декабрда асосий юкларни магистрал темир йўл транспортида ташиш қуйидагича ифодаланади:

	МИНГ ТОННА	2009 йил январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Юклар – жами	56869,3	103,9
шу жумладан:		
тошкўмир	2751,2	108,0
нефт маҳсулотлари	13714,6	98,3
қора металллар	1001,9	84,0
қора метал темир–терсаклари	1009,9	97,8
кимёвий ва минерал ўғитлар	4411,5	80,2
қурилиш материаллари	6748,8	82,3
цемент	6007,8	136,7
ёғоч–тахта материаллари	116,1	82,5
дон ва янчилган дон маҳсулотла- ри	1482,9	101,5

Автомобил транспортида 1062,6 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2009 йил январ–декабрига нисбатан 10,8 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 24,5 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 5,7 фоизга кўпайди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2009 йил январ–декабр даражасидан 9,4 фоизга кўпайди ва 17,7 млрд. тн–км. ни ташкил қилди. Автомобил транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 72,1 фоизни (2009 йил январ–декабрида – 69,7 фоизни) ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 29,4 минг тонна юк жўнатилиб, 2009 йил январ–декабрига нисбатан 84,9 фоиз, юк айланмаси эса 63,3 фоизга кўпайди ва 168,0 млн.тн–км.ни ташкил қилиди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 28,9 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 2009 йил январ–декабрига нисбатан 4,8 фоизга камайди.

Йўловчи ташиш. 2010 йил январ–декабрида барча транспорт турлари томонидан 6045,3 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2009 йил январ–декабрига нисбатан 6,2 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси 9,0 фоизга кўпайиб, 77,2 млрд. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2010й. январ–декабр	2009й. январ– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчи–лар, млн. киши	6045,3	106,2
темир йўл транспортида	14,6	103,2
автомобил транспортида	5935,8	106,6
ҳаво транспортида	1,9	124,7
шаҳар электр транспортида	93,0	87,7
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи–км	77240,4	109,0
темир йўл транспортида	2920,0	110,9
автомобил транспортида	67954,1	108,5
ҳаво транспортида	5768,3	117,0
шаҳар электр транспортида	598,0	91,0

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келди ва бу 98,2 фоизни, йўловчи айланмасида эса 88,0 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 3,2 фоизга кўпайди ва 14,6 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси 10,9 фоизга ўсди ва 2920,0 млн. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 1921,4 мингта йўловчи ташилди, бу 2010 йил январ–декабрига нисбатан 24,7 фоизга кўпдир, йўловчи айланмаси эса 5768,3 млн. йўловчи–км.ни ташкил этиб, 17,0 фоизга кўпайди.

Троллейбус транспорти орқали 67,8 фоизга, трамвай транспорти орқали 22,1 фоизга, метрополитен транспорти орқали 3,5 фоизга кам йўловчи ташилган.

Товарлар ва хизматлар бозори

2010 йил январ–декабрда чакана товар айланмаси 21448,9 млрд. сўмни ёки 2009 йил январ–декабрига нисбатан 114,7 фоизни ташкил қилди.

Чакана товар айланмасида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 48,8 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари улуши 51,2 фоизни ташкил қилди (2009 йил январ-декабрида мос равишда – 47,3 ва 52,7 фоиз).

2010 йил январ-декабрида хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2009й. январ-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	21448,9	114,7
нодавлат мулки	21422,4	114,7
ундан фуқароларнинг хусу- сий мулки	15917,6	116,4
давлат мулки	26,5	89,9

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 9342,8 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2009 йил январ-декабрига нисбатан 15,6 фоизга ошган. Чакана савдо айланмаси таркибида савдо корхоналари-нинг улуши 43,5 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ жойлардаги савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси савдо корхоналари умумий товар айланмасининг 23,5 фоизини ташкил қилди.

Деҳқон бозорлари томонидан ҳисобот даврида қишлоқ хўжалик товарлари ва қорамол сотиш ҳажми 14,7 фоизга ошди ва 7330,6 млрд. сўмга етди, унинг чакана савдо айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 34,2 фоизни ташкил қилди.

Норасмий секторнинг (буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 4775,5 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2009й. январ-декабрига нисбатан 12,9 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида норасмий секторнинг улуши 22,3 фоизни ташкил қилди.

2010 йил январ-декабрда чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2009 йил январ- декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	21448,9	114,7	100,0

	млрд. сўм	2009 йил январ– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
савдо корхоналари	9342,8	115,6	43,5
бозорлар	12106,1	114,0	56,5
улардан:			
буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар	4775,5	112,9	22,3
деҳқон (озиқ–овқат) бозорлари	7330,6	114,7	34,2

2010 йилнинг январ–декабрида аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 7919,8 млрд. сўмни, унинг ўсиш суръати 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 113,4 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб (умумий ҳажмнинг 64,4 фоизи), бу секторда хизматлар ҳажми 5102,8 млрд. сўмни ташкил қилди ва 13,9 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 12,3 фоизга ўсиб, 2817,0 млрд. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 35,6 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улуши 78,1 фоизни ташкил қилди.

2010 йил январ–декабрда хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм.	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	7919,8	100,0
нодавлат мулки	6185,4	78,1
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	3046,4	38,5

	млрд. сўм.	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
давлат мулки	1734,4	21,9

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 10,0 фоизи ёки 789,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Уларнинг реал ўсиш суръати

2009 йил январ–декабрига нисбатан 14,9 фоизга ошди.

Маиший хизматларнинг 88,7 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми 700,7 млрд. сўмни ташкил қилди ва 19,4 фоизга ошди.

2010 йилнинг январ–декабрида барча иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ҳажми 31785,8 млрд. сўмни, шу жумладан қишлоқ жойларида 7863,7 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 24,7 фоизини ташкил қилди. 2009 йилнинг январ–декабрига нисбатан хизматлар реал ҳажмининг ўсиш суръати 113,2 фоизни ташкил этди.

2010 январ–декабрда хизматлар ишлаб чиқариш турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2009 йил январ– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	31785,8	113,2	100,0
шу жумладан асосий турлари бўйича:			
Савдо ва овқатланиш хизматлари	5793,2	115,7	18,2
Транспорт хизматлари	10031,3	107,1	31,6
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, ахборот–ресурс марказлари хизматларини қўшган ҳолда	2039,6	129,0	6,4
Молиявий хизматлар, микрокредитлар беришни	2731,0	122,6	8,6

	млрд. сўм	2009 йил январ– декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
қўшган ҳолда			
Туризм–саёҳат хизматлари	46,8	112,7	0,2
Меҳмонхона хизматлари	96,0	109,0	0,3
Коммунал хизматлар	3827,4	99,1	12,0
Маиший хизматлар	551,4	121,8	1,7
Автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш	321,1	124,4	1,0
Бошқа хизматлар, болалар соғломлаштириш ва спорт муассасалари хизматларини қўшган ҳолда	6348,0	120,5	20,0

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (ахборот–ресурс марказлари хизматларини қўшган ҳолда) (129,0 фоиз), автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш (124,4 фоиз), молиявий хизматлар, микрокредитлар беришни қўшган ҳолда (122,6 фоиз), маиший хизматлар (121,8 фоиз), ички савдо ва овқатланиш хизматлари (115,7 фоиз) бўйича юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида турлари бўйича энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 31,6 фоизи), савдо ва овқатланиш (18,2 фоизи), коммунал (12,0 фоизи), молиявий (8,6 фоизи) ва алоқа ва ахборотлаштириш (6,4 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Нарх–наво ва инфляция

Январ–декабрда
наرخлар ва тарифлар индексларининг ўзгариши
(наrx–навонинг ўсиши, фоиз ҳисобида)

	Ўртача ойлик даражаси		Декабр оyi ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2009й.	2010й.	2009й.	2010й.
Истеъмол нархлари индекси	0,6	0,6	7,4	7,3
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси	2,2	1,3	29,5	16,4
Юк ташиш тарифларининг индекси	0,05	1,9	0,6	25,0
Юридик шахсларга кўрсатиладиган алоқа хизматлари тарифларининг индекси	0,4	0,4	5,0	5,3

Январ–декабрда саноат тармоқлари бўйича ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекслари (ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)

	2009й.	2010й.
Жами	129,5	116,4
шу жумладан:		
Электроэнергетика	106,9	113,0
ёқилғи саноати	122,6	110,7
қора металлургия	163,0	111,7
рангли металлургия	237,5	109,4
кимё ва нефт–кимё саноати	99,0	117,2
машинасозлик	101,7	115,6

	2009й.	2010й.
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз саноати	102,9	123,2
қурилиш материаллари саноати	101,0	120,8
енгил саноат	110,5	126,9
озиқ–овқат саноати	112,4	119,2
ун–ёрма саноати	116,9	116,0

**Январ–декабрда транспорт турларида
юк ташиш тарифларининг индекси
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2009й.	2010й.
Юк транспорти – жами	100,6	125,0
шу жумладан:		
темир йўл транспорти	116,0	118,8
автомобил транспорти	117,4	112,4
ҳаво транспорти	126,6	97,8
қувур йўллари	93,9	129,8

**Январ–декабрда юридик шахслар учун
алоқа хизматлари тарифларининг индекси
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2009й.	2010й.
Жами хизматлар	105,0	105,3
шу жумладан		
почта алоқаси	100,0	115,4

	2009й.	2010й.
шаҳар телефон алоқаси	102,4	103,8
шаҳарлараро телефон алоқаси	100,0	100,0
телеграф алоқаси	119,5	107,8
уяли алоқа	109,6	108,4

Аҳоли турмуш даражаси

Аҳолининг номинал пул даромадлари 2010 йилнинг январ–ноябрида 32,3 фоизга, пул харажатлари ва жамғармалари 33,4 фоизга кўпайди.

2010 йилнинг январ–ноябрида аҳолининг номинал пул даромадлари ва ҳаражатлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

	салмоғи, фоизда	2009 й. январ–ноябрига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами пул даромадлари	100,0	132,3
шу жумладан:		
меҳнатга ҳақ тўлаш ва корхоналардан олинган бошқа даромадлар	38,6	134,1
ижтимоий трансфертлар	14,5	131,4
тадбиркорлик даромадлари (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишни қўшган ҳолда) ва бошқа даромад- лар	46,9	131,1
Пул даромадларининг сарфланиши	98,0	133,4
шу жумладан:		

	салмоғи, фоизда	2009 й. январ–ноябрига нисбатан фоиз ҳисобида
истеъмол харажатлари	70,7	130,3
мажбурий тўловлар ва бадаллар	7,1	131,6
омонатларда, қимматли қоғозларда жамғармаларни йиғиш, валюта харид қилиш ва бошқа харажат- лар	20,2	146,3

Аҳоли номинал пул даромадларининг асосий қисми (70,7 фоизи) истеъмол товарларини сотиб олиш ва кўрсатилган хизматларга тўлашга сарфланди. Истеъмол харажатлари 2009 йилнинг январ–ноябри билан солиштирилганда 30,3 фоизга кўпайди.

Мажбурий тўловлар ва бадаллар ҳиссасига пул даромадларининг 7,1 фоизи тўғри келади. Омонатларда, қимматли қоғозларда жамғармаларни йиғиш, валюта харид қилиш ва бошқа харажатларнинг улуши 20,2 фоизни ташкил этди.

Аҳоли пул даромадлари сарфланишининг таркиби қуйидагича ифодаланади:

Январ–ноябр	аҳоли пул да- ромад- лари, жами	(пул даромадларига нисбатан фоизда) улардан қуйидагиларга фойдала- нилди:			аҳоли пул қолди- ғининг ўзга- риши
		товар со- тиб олиш ва хиз- матларга тўловлар	мажбу- рий тў- ловлар ва бадал- ларни тўлаш	жамғармаларн и йиғиш, ва- люта харид қилиш ва бошқалар	
2009й.	100,0	71,8	7,1	18,3	2,8
2010й.	100,0	70,7	7,1	20,2	2,0

Демография ва меҳнат бозори

Январ–декабрда аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари қуйидагича ифодаланади:

	ҳар 1000 кишига	
	2009 йил	2010 йил
Туғилганлар	23,4	22,7
Ўлганлар	4,8	4,9
шу жумладан бир ёшгача болалар *)	11,7	10,9
Никоҳлар	9,8	10,1
Ажралишлар	0,6	0,7

Туғилиш даражаси. 2010 йилнинг январ–декабрида туғилиш даражаси 22,7 промиллени ташкил қилди ва 2009 йилнинг шу даврига (23,4) нисбатан 0,7 промиллега камайди.

Ўлим даражаси. Ҳисобот даврида ўлим даражаси 4,9 промиллени ташкил қилди ва 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 0,1 промиллега кўпайди.

Ўлганлар умумий сонидан 61,0 фоизи қон айланиш системаси касалликларидан, 7,4 фоизи ўсма касалликларидан, 6,4 фоизи бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 6,3 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2010 йилнинг январ–декабрида бир ёшга тўлмай ўлган болалар сони 7,2 мингтани ташкил қилди. Гўдаклар ўлими коэффициенти 2009 йил январ–декабрдаги 11,7 промилледан 10,9 промиллега камайди.

Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан 50,7 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 34,4 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 7,6 фоизи туғма аномалиялардан ва 3,4 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳ ва ажралишлар. 2010 йилнинг январ–декабрида ФҲДЁ органларида 285,4 минг никоҳ рўйхатга олинди, ажралишлар сони эса 19,0 мингтани ташкил қилди. Минг аҳолига нисбатан ҳисоблаганда 10,1 (2009 йил – 9,8) никоҳ ва 0,7 (2009 йил – 0,6) ажралишлар тўғри келмоқда.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2010 йилнинг январ–декабр ойларида республика бўйича келганлар сони 140,0 минг кишини, кетганлар сони 179,6 минг кишини ташкил қилди. Аҳоли миграциясининг юқори даражаси Қорақалпоғистон Республикасида (келганлар сони 13,7 минг киши, кетганлар сони 25,4 минг киши),

*) ҳар 1000 га туғилганга

Тошкент вилоятида (15,9 минг киши, 27,7 минг киши) ва Тошкент шаҳрида (16,2 минг киши, 16,1 минг киши) кузатилди.

Миграция қолдиғи минус 39,6 минг кишини (2009 йилнинг шу даврида минус 49,6 минг киши) ташкил қилди.

Ишсизлик^{*)}. 2010 йилнинг январ–декабрида меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 671,6 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 2,0 фоизга кўпдир.

Декабр ойи охирида меҳнат бўлимларида иш қидирувчи сифатида рўйхатда турганлар сони 16,2 минг нафарни (2009 йилнинг мос санасида 20,1 минг киши) ташкил этган.

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг аксарияти Тошкент шаҳрига – 3,5 минг (республика миқёсида жами рўйхатда турганларнинг 21,4 фоизи), Фарғона вилоятига – 1,9 минг киши (11,8 фоизи), Бухоро вилоятига – 1,4 минг киши (8,9 фоиз), Қашқадарё вилоятига – 1,3 минг киши (8,1 фоизи), Сурхондарё вилоятига – 1,1 минг киши (6,9 фоиз) тўғри келади.

2010 йилнинг январ–декабрида меҳнат бўлимлари томонидан 595,6 минг фуқаро (барча мурожаат этганларнинг 88,7 фоизи) ишга жойлаштирилган бўлиб, бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 фоизга юқоридир.

Меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

МИНГ КИШИ

^{*)} Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотига асосан.

